



**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**Гиждувон туман Ободонлаштириш**

**бошқармаси**

**Харид комиссиясининг раиси**

**У.Туев**

**2022 йил**

Гиждувон Ободонлаштириш бошқармаси балансидаги Ўзанон МФЙ худудида жойлашган  
Хужа Мухаммад Порсо кабристонини мукаммал таъмиrlаш ишлари

**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

<b>№</b>	<b>Асосиймаълумотлар</b>	<b>Бажарувчи</b>
<b>1</b>	Объект номи	Гиждувон Ободонлаштириш бошқармаси балансидаги Ўзанон МФЙ худудида жойлашган Хужа Мухаммад Порсо кабристонини мукаммал таъмиrlаш ишлари
<b>2</b>	Буюртмачи	Гиждувон Ободонлаштириш бошқармаси
<b>3</b>	Буюртма учун асос	Гиждувон туман
<b>4</b>	Объектнинг жойлашган ўрни	Гиждувон туман
<b>5</b>	Қатнашувчилар учун талаблар	Гиждувон Ободонлаштириш бошқармаси балансидаги Ўзанон МФЙ худудида жойлашган Хужа Мухаммад Порсо кабристонини мукаммал таъмиrlаш ишлари
<b>6</b>	Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари	Давлат рўйхатидан ўtkазилғанлиги тўғрисида гувоҳнома.
<b>7</b>	Бажарилган ишлар хисоб-китоби	Иш бажарилгач форма-5 га сосан тўлов амалга оширилади.
<b>8</b>	Ишни бажариш муддати	2022 йил март ойидан 2022 йил 30 апрельчага
<b>9</b>	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қоидаларига тула риоя килишишарт.
<b>10</b>	Молиялаштириш манбайи	Гиждувон туман Давлат архиви бюджет маблағлари
<b>11</b>	Молиялаштириш манбайи	292 500 000 сум

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ғиждувон туман Ободонлаштириш

бошқармаси

Харид комиссиясининг раиси

У.Туев

2022 йил



**ҒИЖДУВОН ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИГА  
КАРАШЛИ “ЎЗАНОН” МФИДА ЖОЙЛАШГАН “МУХАММАД  
ПОРСО” ҚАБРИСТОНИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ  
ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

Ғиждувон туман - 2022 йил

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА  
1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.Танлов предмети: **Фиждувон туман Ободонлаштириш бошқармасига карашли “Ўзанон” МФЙда жойлашган “Мухаммад порсо” қабристонини мукаммал таъмирлаш ишлари.**

1.2.Танловнинг юкори қиймати— 292 620 078 (икки юз тўхсон икки миллион олти юз йигирма минг етмиш саккиз) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмida илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқкан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

**2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Фиждувон туман Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Фиждувон туман Паҳтакор кўчаси 40-үй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Фиждувон туман Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар кўйилади:  
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- 684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт
- моддий-техника базаси хамда ташкилотнинг оргтехника руйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишли ходимларнинг хаёти сугурталанганилиги
- техника хафзизлиги коидаларига риоя килиш талаблари хамда йурикномалари
- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёқат ва ваколатлар;
- танлов обьектига ўхшаш обьектлардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган ишлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- низом маблағи миқдори.
- Солик ва бошқа мажбурий туловлардан карздорлиги йуклиги тугрисида
- Катнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, мижоз билан суд ёки хакамлик мухокамаси холатида булмаганлиги, шунингдек илгари тузилган шартномалар буйича нотугри бажарилган мажбуриятларнинг йуклиги тугрисидаги кафолат хати.

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш(ажралиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

**4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН**

## **ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилилан бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варогини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3.Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брюнералар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайташиб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

## **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълукли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатлarda шартнома тузишга мажбурдир.

## **7.БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатиласлан ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириши талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичидан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.